

8-1-2020

## ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN FINANCING INVESTMENT PROJECTS

A. Norov PhD

*Tashkent State University of Economics*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Norov, A. PhD (2020) "ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN FINANCING INVESTMENT PROJECTS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 15.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**PhD А.Р.Норов**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

## **ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ**

Мақолада инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг роли таҳлил қилинди. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш йўналишидаги тажрибалари ўрганилди. Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш фаолиятлари ўрганилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** инвестицион лойиҳа, кредитлаш амалиёти, ялпи ички маҳсулот, аҳоли бандлиги, кредит портфели.

## **РОЛЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В ФИНАНСИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ**

В статье анализируется роль коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов. Изучен опыт развитых зарубежных стран в финансировании инвестиционных проектов. Изучена деятельность коммерческих банков по кредитованию инвестиционных проектов и внесены предложения по их улучшению.

**Ключевые слова:** инвестиционный проект, практика кредитования, ВВП, занятость, кредитный портфель.

## **ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN FINANCING INVESTMENT PROJECTS**

The article analyzes the role of commercial banks in financing investment projects. The experience of developed foreign countries in financing investment projects is studied. The activities of commercial banks for lending to investment projects were studied and suggestions were made for their improvement.

**Key words:** investment project, lending practice, GDP, employment, loan portfolio.

### **Кириш**

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тижорат банклари фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Сабаби тижорат банклари инвестицион лойиҳа иштирокчилари ҳамда миқозларни кредит маблағлари билан таъминлаб, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий роҳна вазифасини бажаради ва шу орқали, жамиятда умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида

иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар барпо этилмоқда, аҳоли учун қўшимча иш жойлари шакллантирилмоқда ва янги маҳсулот турларини яратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли борасида Ш.Мирзиёев томонидан «Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак»<sup>1</sup> дея таъкидлангани ҳамда, Ўзбекистонда 2020 йилни «Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» деб эълон қилингани ва унинг Дастурида инвестицион лойиҳаларни мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инвестицион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инобатга олинганлиги ушбу мавзунинг бугунги кундаги долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш йўлида охириги 10 йилда тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажми 35 маротабо кўпайгани албатта қувонарли. Бироқ, бизга маълумки ривожланиш ва тараққиёт жараёни шиддатли рақобат тус олиб, муаммолар асосида мукамаллашиб боради. Банклар томонидан инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда, уларни ликвидлиги паст деган баҳо берилмоқда. Бу ушбу корхоналарга банк кредитларини ажратишда муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ва бошқариш усулларининг илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги ва уларни баҳолаш масалалари билан кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлари шуғулланишган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик иқтисодчи олимлардан:

Ф.В.Майк ва В.Ронг (2006) Инвестицион лойиҳалардан самарали фойдаланишда ташқи молиявий чекловларни ўрнатиш кераклигини ва шу асосда ички инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришни таклиф қилишган. Бунда олимлар ташқи молиялаштириш ҳаражатлари ошган сари, нақд пул қиймати сезиларли даражада ошади деган хулосага келади [2].

Ҳ.Уанг, П.Лианг, Ҳ.Ли, Р.Янглар (2016) эса технологияли ишланмаларига йўналтириладиган инвестицион лойиҳалар ва уларнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек илмий ишланмаларни молиялаштириш манбалари, илмий-тадқиқот, инвестиция rischi ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишган [3].

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий ривожланишининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь. № 11 (6705).

Бундан ташқари Россиялик таниқли иқтисодчи олим Т.Мазурина (2013) инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлишини асослаб берган:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

– инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

– корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш [4].


И.Юдинанинг (2013) илмий тадқиқотлари натижаларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti – бу рискларни диверсификация қилиш деб ҳисоблайди [5].

Ўзбек олимларидан профессор Н.Каримовнинг илмий ишида инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштиришдаги асосий муаммолар сифатида тижорат банкларининг инвестицион кредит бериш салоҳиятини ошириш муаммоси, тижорат банкларида инвестицион фаолиятни молиялаштириш рискларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, тижорат банкларига инвестицион лойиҳалар бўйича мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги ва уларнинг банклар томонидан талаб даражасида таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг кафолати асосида олинган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги каби омилларни келтириб ўтган [6].

Бугунги кунда мамлакат тижорат банклари кредит сиёсати бир қанча камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш, хорижий банклар кредитлаш амалиётининг устувор томонларини амалий таҳлиллар асосида ўрганиш, уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини, Ўзбекистондаги тижорат банклари кредитлаш амалиётида жорий қилиш юзасидан аниқ асосланаган илмий таклифлар тақдим этиш, ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади ҳисоблади.

### **Таҳлил ва асосий натижалар**

Жаҳон банки маълумотларига кўра, инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг банк кредитларига бўлган талаби ривожланаётган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача 40 фоиз корхоналарнинг кредит олишга эҳтиёжи мавжуд бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларига ушбу кўрсаткич 45 %дан 60 %гача бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга кредитлаш жараёнида гаров талаб этилиши ривожланган мамлакатларда ўртача 60 %дан юқори бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ўртача 80 %дан юқорилигини кўрсатиш лозим (1-расм).



1-

**расм. Жаҳонда инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналар даражасининг банк кредитларига бўлган талаби, фоизда [7]**

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инвестицион лойиҳаларини кредитлаш аҳолининг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган инвестицион кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитида унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган Россия Федерациясининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштирилиши ўрганилганда мамлакатда, айнан инвестицион лойиҳа кредитларига бўлган талаб ва таклифда катта номуносиблик мавжудлиги аниқланди. 2013 йилда Россияда 30 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратилган, аммо талаб 50 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Маълумотларга кўра, ажратилган кредитларнинг 60% банкларга, 40% кредит ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Россияда бериладиган инвестицион лойиҳаларга кредитларнинг ўртача миқдори 45-50 минг. АҚШ долларини ташкил этиб, ўртача муддати 5-6 йилни ва ўртача фоиз ставкаси эса 4-5% ни ташкил этади. Россияда инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёни, бу кредитларнинг миқдори 10 минг. АҚШ долларидан бир неча млн. АҚШ долларига тенглигини, муддати 30-35 йилгача берилиши ва фоиз ставкаси 3-15% га тенглигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Барча мамлакатлардаги сингари Россия Федерациясида ҳам инвестицион лойиҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилади ва кўп ҳолларда улар қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчилардир.

Кредитларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда, Россиядаги кўпгина кредит ташкилотларининг таваккалчилик портфели халқаро меъёрларга мос келади. Ҳар иккинчи кредит ташкилотининг муддати ўтган қарздорлиги 2,7 %дан ошмаган. Бундан ташқари кредит ташкилотлари жуда яхши рентабеллик билан фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич ўртача 127 %ни ташкил этмоқда [8].

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори ва улуши [9]

Кўрсаткичлар	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
Ялпи ички маҳсулот (трлн.сўм)	177,1,	210,1	242,4	302,5	406,6	511,8
Кредит қўйилмалари (трлн.сўм)	34,5	42,7	53,4	110,6	167,4	211,5
Ўзгариши (фоиз)	19,5	20,3	22,0	36,6	41,2	41,3

Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 511,8 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2018 йил билан қиёслаганда 25,8 фоиз ўсишга эришган. 2014-2019 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2019 йилда 26,3 фоизга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 211,5 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 41,3 фоизни ташкил этди. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатда ҳақиқатан ҳам бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси олдинги йилга қараганда бор йўғи 0,1 фоизга ошганлиги, деярли айтишимиз мумкинки ошмаганлиги бу мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитлар етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди (2-жадвал).

Бугунги кундаги банк секторининг инвестицион салоҳиятини тадқиқ қилиш ва банкларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини ўрганиш учун мамлакатдаги ривожланган тижорат банклари “Агробанк” АТБ ва “Равнақ-банк” ХАТБ фаолиятлари таҳлил қилинди.

### 2-жадвал

#### “Агробанк” АТБ ва “Равнақ-банк” ХАТБ баланс кўрсаткичлари, млрд.сўм [10]

№	Номи	2015		2016		2017		2018		2019	
		“Агро Банк”	“Равнақ банк”	“Агро Банк”	“Равнақ банк”	“Агро Банк”	“Равнақ банк”	“Агро Банк”	“Равнақ банк”	“Агро Банк”	“Равнақ банк”
1.	Инвестициялар	71,6	0,040	72,5	0,040	186,9	0,5	168,7	3,3	130,0	3,0
2.	Кредитлар	223,1	43,9	317,6	100,1	476,9	162,1	1108,2	315,6	4462,2	397,2
3.	Жами активлар	2899,0	93,7	3192,5	239,1	3949,4	340,4	4981,5	438,8	10363,0	608,6
4.	Устав капитали	263,5	15,7	317,6	20,0	367,6	22,8	1335,6	100	2163,0	100

2-жадвал кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, “Агробанк” АТБ молиявий кўрсаткичлари ўзгаришидаги тенденция йиллар давомида доимий ўсиш тенденциясига эга, “Равнақ-банк” ХАТБ кўрсаткичларида банк жами активлари, кредит портфели, инвестициялари кўрсаткичлари 2016 йилдан яхши ўсиш суръатларини кўрсатган. Аммо икки банкнинг инвестиция кўрсаткичлари бошқа кўрсаткичларга нисбатан жуда кам миқдорни ташкил қилмоқда, ҳатто Равнақ-банкда охириги йилда ушбу кўрсаткични камайганлигини кўришимиз мумкин. Бундан, банк даромадининг асосий қисмлари банк кредитлари ҳисобига олинаётганини ва инвестициялар банк даромад қисми учун деярли ҳеч нарса бермаётганини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолат банкни жаҳон амалиётида банклар учун сезиларли даромад манбаи бўлган инвестицион фаолият даромадларидан маҳрум қилмоқда.

Юқоридаги ҳолат ўз навбатида банк рентабеллик кўрсаткичларига салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун, бугунги кунда тижорат банклари томонидан давлат инвестиция дастурларида инвестор сифатида иштирокини кенгайтириш йўлида қуйидаги муаммолар мавжуддир:

- банк капиталининг ўсиш суръатлари банкнинг ривожланиш эҳтиёжларидан ва иқтисодиёт реал секторининг банк молиялаштирилиши эҳтиёжларидан орқада қолмоқда;

- соф фойданинг сезиларли даражада ўсмаслиги фоиз харажатларини амалга оширган ҳолда кўшимча ресурс жалб қилишнинг самарадорлигини туширмоқда;

- узоқ муддатли кредит ва инвестицион ресурслар базасини кенгайтириш учун тижорат банклари ўз акцияларини сотишлари жуда паст суръатлар билан амалга оширилмоқда;

- банкнинг эмиссион ва инвестицион сиёсатлари ўзаро боғланмаган, банкнинг ўзлик улуший капиталининг ошиб бориши банкнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги улуший капиталнинг ўсишига олиб келмаяпти;

- натижада банкда инвестицион фаолият аҳамиятсиз иккинчи даражали фаолият секторига айланиб қолган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Инвестицион лойиҳаларни банк кредитлари орқали молиялаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- инвестицион лойиҳаларни – кредитлаш амалиётининг қайтаришлик тамойилига кўра ҳар бир кредит бўйича кредит турига, лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш муддатига, кредит берилаётган иқтисодиёт тармоғига қараб кредитни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтаришни ташкил этиш ҳамда кредитни кузатиб, мижозга маслаҳат хизматларини кўрсатиб бориш;

- мамлакатдаги асосий тармоқларни модернизация қилишни, хусусан инвестицион лойиҳаларини банклар томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун банкларнинг ўзлик активлари ҳажмини ошириш;

- тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш жумладан, активлар тузилмасида инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини оптималлаштириш, даромад бермайдиган активларни сотиш орқали банк активларининг диверсификация даражасини ошириш ҳамда инвестицион бўлимларнинг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиеёв Ш.М. «Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий ривожланишининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган маъруза. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь. № 11 (6705);

2. Faulkender, Michael W. W. and WANG, Rong. Corporate Financial Policy and the Value of Cash. (2006). Journal of Finance. 61;

3. Wang H., Liang P., Li H., Yang R. “Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk” // Procedia Computer Science 91 ( 2016 ) 122 – 130 p. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050916312303>;

4. Мазурина Т.Ю. Банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит.–Москва, 2013.–№4.–С. 33;

5. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография.–М.: ИНФРА-М, 2013.–С;

6. Каримов Н. «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент – 2007. 7-10 б.;

7. Манба: <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари;

8. Манба: <https://dlib.eastview.com/browse/doc/34896577> - сайт маълумотлари;

9. Манба: <https://stat.uz/uz/> ва <http://cbu.uz/oz/> сайтлари маълумотлари.

10. Манба: Агробанк” АТБ ва “Равнақ-банк” ХАТБ ҳисоботлари (2015-2019йй).